

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

УМУМИЙ АМАЛИЁТ ШИФОКОРИНИНГ  
МАЛАКАВИЙ ТАВСИФНОМАСИ

5510 200 – «ПЕДИАТРИЯ ИШИ»



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил  
"8" сентябрдаги 236-сонли буйруғининг 4-илоvasи билан тасдиқланган.

Тошкент-2020

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН**

ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббий таълим ривожлантириш маркази  
ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти



## МУНДАРИЖА

1. Умумий қоидалар.....	5
2. Умумий амалиёт педиатри малакавий талаблари.....	7
3. Аҳоли саломатлигини сақлаш ва касалликларини олдини олишда умумий амалиёт педиатрни ўрни.....	10
4. Соғлиқни сақлаш бирламчи тизимида кўрсатиладиган тиббий ёрдам хажми .....	11
5. Шошилиш ёрдам.....	12
6. Болалар касалликлари. Янги чақалоқ даври касалликлари ва ҳолатлари.....	16
7. Болаларда нафас аъзолари касалликлари.....	18
8. Болаларда юрак-қон томир тизими касалликлари.....	18
9. Болаларда ревматик касалликлари.....	19
10. Болаларда ошқозон-ичак тракти касалликлари.....	20
11. Болаларда буйрак ва сийдик чиқариш йўллари касалликлари.....	22
12. Болаларда қон ва қон хужайралари ҳосил бўлиши аъзолари касалликлари.....	23
13. Болаларда эндокрин тизими касалликлари ва моддалар алмашинувининг бузилиши.....	25
14. Болаларда асаб тизими касалликлари.....	27
15. Болаларда ҳулқнинг бузилиши ва руҳий касалликлар.....	28
16. Болаларда тери ва тери ости клетчаткасининг касалликлари.....	29
17. Болаларда инфекцион касалликлар.....	31
18. Болалар фтизиатрияси.....	32
19. Болаларда хирургик йўналишидаги касалликлар.....	33
20. Болаларда таянч-ҳаракат апарати касалликлари ва шикастланиши...	35
21. Болаларда онкологик касалликлар.....	37
22. Болаларда кўз касалликлари.....	37
23. Болаларда қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари.....	38
24. Болалар стоматологияси.....	40
25. Болалар гинекологик касалликлари.....	40
26. Умумий амалиёт педиатр эга бўлиши шарт амалий кўникмалар.....	41
27. Умумий амалиёт педиатрнинг муносабатларига қўйиладиган талаблар.....	43
28. Умумий амалёт педиатрининг узлуксиз касбий тайёргарлиги, аттестациядан ўтказиш ва лицензиялаш.....	44



## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ўзбекистон Республикасида замонавий соғлиқни сақлаш тизимини яратишда аҳолига бирламчи тиббий-профилактика хизматларининг кенг имкониятлари, ўз вақтида ва юқори сифатини таъминлаш энг муҳим устувор йўналиш бўлиб ҳисобланади. Ушбу мақсадларда яратилган қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, тез тиббий ёрдам станциялари ва шошилиш тиббий ёрдам муассасалари маълум даражада кўпгина вазифаларни ҳал этишга имкон берди. Бугунги кунда аҳоли саломатлигининг, айниқса, умумий амалиёт шифокори бевосита жалб қилинган қишлоқ жойларида, патронаж сифатини яхшилаш талаб этилади.

Замонавий талабларга жавоб берувчи мутахассисларни тайёрлаш учун, умумий амалиёт педиатрининг ушбу малакавий тавсифи асосий хужжат бўлиб ҳисобланади.

Малака тавсифи ҳар жойда умумий бир хилликни, умумий педиатр шифокорини тайёрлаш ва ишлашга қўйиладиган талабларни тартибга солишни (бирлаштирилишини) таъминлайди.

### **1.1. Ушбу малака тавсифномаси давлат меъёрий хужжати бўлиб, қуйидагилар асосида тузилган:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги "Шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ- 4985 сонли Қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" ПҚ-2857 сонли Қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ- 2956-сонли қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-3151-сонли қарори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 сентябрдаги "тиббий ходимларни тайёрлашни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида" ги 769-сонли қарори



**1.2. Педиатрия иши таълим йўналиши бўйича малака тавсифномаси давлат меъёрий хужжати бўлиб, қуйидагиларни белгилайди:**

- касбий тайинланиши, умумий амалиёт педиатри мутахассисининг умумий қоидалари ва иш фаолиятининг шарт-шароитлари;
- умумий амалиёт педиатрига қўйиладиган малакавий талаблар;
- умумий амалиёт педиатри аттестациясига қўйиладиган талаблар;
- тиббиёт олий муассасалари ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг умумий амалиёт педиатрини тайёрлашга ва фойдаланишга масъулияти

**1.3. Ушбу малака тавсифномаси мўлжалланган:**

- тиббиёт институтлари ва уларнинг филиаллари, соғлиқни сақлаш муассасалари (ҚВП, ҚОП, ОП, “03” шохобчалари);
- соғлиқни сақлашни бошқариш ташкилоти;
- ушбу мутахассиснинг меҳнатидан фойдаланувчи вазирликлар, идоралар, корхоналар (муассаса ва ташкилотлар);
- соғлиқни сақлашнинг маҳаллий ташкилотлари;
- даволаш-профилактика муассасаси;
- тиббий ассоциациялар.

**1.4. Педиатрия иши бўйича малака тавсифномаси ишлатилади:**

- ушбу йўналишдаги мутахассисларга бўлган эҳтиёжни олдиндан кўра билиш, диплом олди, дипломдан кейинги таълим ва адаптация ўқув режа ва дастурлари ишлаб чиқилишида;
- тайёрлов, қайта тайёрлашни такомиллаштиришда, малака талабларини оширишда, профессионал фаолият йўналтириш ва таҳлил этишда,
- магистратура битирувчиларини якуний аттестация ўтказишда Давлат имтиҳон ҳайъати мақсад ва вазифаларини аниқлашда;
- олий таълим муассасаларида ва дипломдан кейинги тиббий таълим муассасаларида давлат ўқув меъёрлари, ўқув дастурлари, ўқув режалари ва тегишли йўналишларда ишчи дастурлар ишлаб чиқишда;
- шифокор, умумий педиатр фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиб боришда.

**1.5. Умумий амалиёт педиатрининг касбий тайинланиши ва иш фаолиятининг шарт-шароитлари**

шифокор, умумий педиатр – олий маълумотли мутахассис ҳисобланади ва болаларнинг кенг тарқалган касалликларини ташхислаш ва даволаш чоратадбирларини олиб бориш учун етарли назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

шифокор, умумий педиатр аҳолининг соғлиқни сақлаш соҳасида ўз профессионал фаолиятини Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг тиббий-профилактика муассасаларининг тегишли йўналиш бўғинларида олиб боради:



- кишлок врачлик пунктлари, шаҳар врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ва филиаллари, тез тиббий ёрдам станциялари;
- Олий тиббий маълумотга эга бўлган мутахассислар фаолият юритиши лозим бўлган соғлиқни сақлаш тизимининг Тегишли номланиш асосида ташкилот ва муассасаларида;
- Соғлиқни сақлаш ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, Тегишли номланишда кўзда тутилган олий тиббий маълумотга эга мутахассислар эгаллаши мумкин лавозимларда.

## **2. УМУМИЙ АМАЛИЁТ ПЕДИАТРИГА МАЛАКАВИЙ ТАЛАБЛАР**

### **2.1. Умумий амалиёт педиатрининг билими:**

- аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлашни бошқариш, тиббиёт ходимларининг жавобгарлиги, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг асослари; ЎзР ССВ нинг меъёрий-ҳуқуқий актлари;
- болалар турли касалликларининг асосида ётган умумбиологик ва патологик жараёнларнинг сабаблари ва ривожланиш механизмлари ва кўринишларини билиш;
- болаларда турли касалликлар профилактикасининг методологик асослари, даволашнинг номедикаментоз ва медикаментоз усуллари

### **2.2. Умумий амалиёт педиатрининг кўникмаси:**

- болаларда энг кўп тарқалган касалликларнинг тамойиллари ва профилактикасининг усулларига эга бўлиш;
- болалар касалликларда тўлиқ анамнез йиғиш ва клиник текширувлар ўтказиш;
- режа тузиш ва лаборатор ва инструментал текширув усулларини интерпретация қилиш;
- КХТ-10 га мувофиқ дастлабки ва клиник ташхисни шакллантириш ;
- шифохонагача бўлган босқичда шошилич ва тез ёрдамни кўрсатиш бўйича муолажалар ва манипуляцияларни олиб бориш;
- соматик ва хирургик йўналишдаги шифокор манипуляцияларини амалга ошириш;
- “далилларга асосланган тиббиёт” нинг бош тамойилларини қўллаш.

### **2.3. Асосий назарий билимлар:**

#### **Умумий амалиёт педиатри билиши керак:**

- аҳолининг турли ёш-жинсий ва ижтимоий гуруҳлари орасида, жумладан, болалар, ўсмирлар ва катта ёшдагиларда энг кўп тарқалган касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактикаси кўринишида мазкур малакавий тавсифнинг тартибига мувофиқ амалга оширилувчи оммавий зарарланиш

ўчоқларида амбулатор ва шошилиш тиббий ёрдамни мустақил равишда олиб бориш;

- тиббий ҳисоб-китоб ҳужжатларини юритиш (боланинг ривожланиш тарихи, ўлим ҳақидаги гувоҳнома ва соғлиқни сақлашнинг бошқа статистик шакллари);

- асосий статистик, жумладан, иқтисодий кўрсаткичлар бўйича даволаш-профилактик муассасаларининг фаолиятини таҳлил қилиш;

- иммунопрофилактика;

- тиббиёт муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

- рационал фармакотерапияни олиб бориш учун медикаментоз терапиянинг исботланган тамойиллардан фойдаланиш; олиб борилаётган фармакотерапиянинг масарадорлиги ва беҳатарлигини назорат қилиш;

- касалликларнинг ривожланишини олдини олиш бўйича санитария-оқартув ишларини олиб бориш;

### **2.3. АСОСИЙ НАЗАРИЙ БИЛИМЛАР**

**Соғлиқни сақлашнинг назарий асослари:** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қонунлари ва соғлиқни сақлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аҳолининг санитария-эпидемиологик фаровонлиги;

- Соғлиқни сақлаш бирламчи бўғини муассасалари фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

- Соғлиқни сақлаш бирламчи бўғини муасса саларида болаларга хизматларни ташкил қилиш, таркиби, штатлари педиатр мутахассиси билан таъминлаш;

- касалликларга чалинган болаларга амбулатория ва стационар ёрдам кўрсатиш асослари ва стандартлари;

- 18 ёшгача бўлган болаларга амбулатория ва стационар ёрдами билан таъминланиш асосларини;

- тиббий кўрикдан ўтказиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш, санитария-маърифий ишларни бажариш - зарур тиббий ҳужжатларни тузиш, уларнинг иши тўғрисида ҳисобот тузиш ва таҳлил қилишни;

- болалар касалликларни диагностикаси ва даволаш, ҳамда профилактикасига оид ёрдамни таъминлаш.

- болалар саломатликка таъсир этувчи омиллар ва унинг мезонларини;

- болалар анатомияси ва физиологиясини, органларини топографик анатомияси асосларини;

- болаларни нормал ва патологик физиологиясининг асосий масалаларини;

- организмдаги патологик жараёнларнинг сабаблари, уларнинг ривожланиш механизмлари ва клиник кўринишлари, ишлаб чиқариш омилларининг болалар организмга таъсири;

- болаларнинг ўсиш, жисмоний ва психомотор ривожланиш хусусиятларини;



-болаларда диагностика, даволаш, профилактика ва реабилитациянинг замонавий усулларини;

- органлар ва тизимларининг функционал ҳолатини лаборатория диагностикаси, педиатрияда ишлатиладиган клиник, инструментал ва умумий ва асосий усулларини;

- болалар касалликларни комплекс профилактикаси ва даволаш тамойилларини;

-эмлашни режалаштириш тамойиллари;

- педиатрияда шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларини;

- парвариш учун оналарга касаллик варақасини бериш тартибини;

- тиббий ҳужжатларни тайёрлаш ва олиб бориш қоидаларини;

- болаларга хизматлар фаолиятини режалаштириш ва ҳисобот бериш принципларини ва унинг фаолиятини мониторинг қилиш усуллари ва тартибларини;

- Клиник текшириш ва дори воситаларининг хавфсизлик принциплари ва назарий асосларини;

- бирламчи бўғинларда профилактика ёрдамини ва санитария-эпидемиология хизматларини ташкил этиш асосларини;

- соғлиқни сақлаш бирламчи бўғининг тиббий суғурта шароитида тиббиёт ходимлари ташкилий ижтимоий ва иқтисодий кафолатланишини;

-соғлиқни сақлаш бирламчи бўғин фаолиятини белгиловчи меъёрий ҳужжатлари асослари ва кўрсатмаларни;

-касбдошлар, ўрта ва кичик тиббий ходимлар, беморлар ва уларнинг қариндошлари билан мулоқот қилганда шифокорлик фаолиятининг этика ва деонтология принципларига риоя қилишни;

- Соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинларида болаларга ёрдамни ташкиллаштириш ишларини;

-болалар касалликлар диагностикасини ва профилактикаси тамойилларини;

- болалар касалликлари диагностикаси ва профилактикаси асосларини;

-болаларда функционал диагностика усулларини, микроскопия, эндоскопия, ултратовуш диагностикаси, эхокардиография, рентгенография асослари ва мақсадини;

- педиатрияда қўлланиладиган иммунология ва генетика текширув асосларини;

- педиатрияда физиотерапия ва санатория даволаш асосларини;

-болаларни тўғри овқатлантириш ва парҳез терапияси тамойилларини;

-болалар касалликларни олдини олиш яъни профилактикасининг янги замонавий усулларини;

-белгиланган вақтида болаларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиш, унинг самарадорлигини таҳлил қилиш;

-оғир болаларни касалхонага ётқизиш учун кўрсатмаларни;

-болалар ҳуқуқи масалаларини.

### 3. Аҳоли саломатлигини сақлаш ва касалликларнинг олдини олишда умумий амалиёт педиатрни ўрни

#### 3.1. Умумий амалиёт педиатрни мажбуриятлари:

Бириктирилган аҳолини муҳофаза қилиш ва касалликларнинг профилактикасини олиб бориш умумий амалиёт педиатри фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб ҳисобланади. Қуйида келтирилган ишларнинг рўйхати иш жойларида, маҳаллаларда, мактаб ва болалар боғчаларида, уйда ва шифокор участкаларида олиб борилади:

- Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича тадбирларни ташкиллаштириш ва олиб бориш: рационал овқатланиш, чекиш ва наркомания, алкогольга ружу қўйишга қарши кураш, фаол дам олишни тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш.
- Асоратлар ва ногиронликни олдини олиш учун энг кўп тарқалган касалликларнинг профилактикаси бўйича тадбирларни олиб бориш.
- Аҳолини ўз вақтида эмлаш билан таъминлаш.
- Травматизм, бахтсиз ҳодисалар, захарланишни олдини олиш бўйича тадбирларни олиб бориш.
- Касалликларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида даволаш учун аҳоли скринингини ўтказиш.
- Бириктирилган аҳоли орасида профилактик кўрувлар олиб боришни ташкиллаштириш.
- Сурункали касалликлари бўлган беморларни диспансер кузатувини олиб бориш.
- Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар билан курашиш бўйича тадбирларни олиб бориш (туберкулез, орттирилган иммун танқисмлиқ синдроми (ОИТС), наркомания).
- Санитар-эпидемиологик назоратнинг туман маркази билан бирга юқумли касалликлар тарқалишининг профилактикаси бўйича тадбирлар олиб бориш.
- Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва олиб боришга жамоатчиликни жалб қилиш.
- Аҳолининг тиббий саводхонлиги ва ҳуқуқларини билишга ўргатиш.
- Ҳар йили кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш учун шифокор участкаси, шифокор ва ҳамширалар иш фаолиятининг аудитини олиб бориш (текширув ва таҳлил).

#### Малакали тиббий ёрдам кўрсатиш

1. Бириктирилган аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, профилактик, санитар-гигиеник ва эпидемияга қарши тадбирларни олиб бориш.
2. Болалар аҳолисига сифатли тиббий ёрдамни кўрсатиш, таъхислаш, даволаш ва динамикада кузатувини олиб бориш, болаларда кўп



тарқалган касалликларнинг профилактикаси ва реабилитациясини амалга ошириш.

3. Шифохонагача бўлган боскичда биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш.

4. Кўп тарқалган касалликлар ва шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишда муолажаларни олиб бориш.

#### **4. Соғлиқни сақлаш бирламчи тизимида кўрсатиладиган тиббий ёрдам хажми**

4.1. Кўрсатиладиган (*тиббий ёрдам тури*) даражасига кўра умумий амалиёт педиатри томонидан бажариладиган фаолият:

**- профилактика фаолияти (бирламчи, иккиламчи ва х.к.)**

Болалар саломатлигини ҳимоя қилиш, скрининг, эмлаш, санитария-оқартув ва эпидемияга қарши ишларни вақтида олиб бориш;

**- ташхисга оид фаолияти:**

Клиник ва инструментал - лаборатория тадқиқот усуллари асосида болаларга касаллик ва патологик ҳолатига замонавий клиник ва лаборатор текширувлар асосида ташхис қўйиш;

**- даволаш фаолияти:**

болаларга шошилиш ҳолатларида мутахассис сифатида бирламчи ёрдам кўрсатиш;

болаларга ўз вақтида сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш

болаларда оғир ҳолатларни аниқлаб стационарга госпитализация қилиш;

таъсири исботланган дори-дармонлар билан даволаш, уларни фармакологик ва ножўя хусусиятларни билиш;

**- реабилитацияга оид фаолияти:**

сурункали касалликлар билан оғриган беморларга реабилитация тадбирларини ўтказиш;

реабилитацияга муҳтож бўлган беморларга даволаш учун жисмоний тарбия, физиотерапия ва ноънанавий терапия усуллари (игна рефлекс терапия, фитотерапия, гомеопатия) воситаларидан фойдаланиш; ва бошқалар;

**- психолого-педагогик фаолияти:**



Ўсмирлар ўртасида умумий гигиена тўғрисида суҳбатлар олиб бориш,  
“оғир ўсмирлар” ўртасида психо-профилактик дарслар олиб бориш;  
уларда алкоғолизм, наркомания, чекишни олдини олиш учун чора-  
тадбирлар олиб бориш;

критик вазиятларда психологик ёрдам кўрсатиш;

**- таъкилий-бошқарув фаолияти:**

бирламчи бўғинларда тиббий ходимларнинг меҳнатини ташкил этиш,  
функционал мажбуриятларни ва уларни амалга оширишнинг оптимал  
алгоритмини аниқлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича тадбирларни  
уюштириш, касбий касалликларни профилактика қилиш, экология  
хавфсизлигига амал қилиш ва уни таъминлаш устидан назорат қилиш;

бирламчи бўғинларда ҳисоб юритиш-ҳисобот бериш бўйича тиббий  
ҳужжатларни юритиш;

ногиронларни экспертизадан ўтказиш;

бирламчи бўғинларда болаларга даволаш-диагностика ва реабилитация-  
профилактика ёрдами кўрсатиш сифатини назорат қилиш;

иш бўйича ёзишмалар (хизматдаги хатлар, таҳлилий материаллар, хатлар)ни  
юритиш;

4.2. (даволаш, профилактика, диагностика ва х.к.) тадбирларининг  
ўтказилиши кўзда тутилган касалликлар рўйхати:

**Берилган ҳолатлар ва касалликлар рўйхатини болаларнинг турли ёш  
даврларида кечишининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда кўриб  
чиқиш лозим.**

## **5. ШОШИЛИНЧ ЁРДАМ**

**1. Қуйида келтирилган касалликларда эрта ташхислаш, шифохонагча  
бўлган ёрдамни кўрсатиш:**

1. Нафас олиши ва юрак уришининг тўхташи
2. Шок
3. Нафас етишмовчилиги ва респиратор

- Юқори нафас йўллариининг ўткир обструкцияси

- Болаларда ўткир бронхиал обструкция
  - Пневмония
4. Юрак етишмовчилиги
  5. Эс-хушнинг ва хулқнинг бузилиши
  6. Талваса
  7. Дегидратация
  8. Периферик қон айланишининг бузилиши билан иситмалаш (эрта ёшдаги болаларда нейротоксикоз, катта ёшдаги болаларда гипертермик синдром)
  9. Ошқозон-ичак трактидан қон кетиши
  10. Перорал, ингаляцион, абсорбцион, инъекцион захарланиш
  11. Ҳашаротларнинг чақиши
  12. Илон чақиши
  13. Қизиб кетиш (гипертермия)
  14. Совқотиш (гипотермия)
  15. Эшакеми
  16. Зўриққан пневмоторакс (напряженный)
  17. Квинке шиши
  18. Токсик-аллергик дерматит
  19. Анафилаксия
  20. Буйрак коликаси
  21. Юрак ритмининг бузилиши
  22. Ўткир қорин синдроми
  23. Буйрак коликаси
  24. Ўт қопи коликаси
  25. Ўткир сийдик тутилиши
  26. Чурранинг қисилиши
  27. Куйиш (термик, кимёвий)
  28. Электр билан ҳароҳатланиш
  29. Чўкиш
  30. Болаларга нисбатан қўпол муомала
  31. Оғир жароҳатланиш (нафас олиш ва юрак фаолиятининг бузилиши, шок, оғрик синдроми)

**Юқорида қайд этилган шошилиш ҳолатларда биринчи шифокор ёрдами кўрсатилгач тез ёрдам чақирилади ва шошилиш тиббий ёрдам тизимига ўтказилади.**

**Шифохонагача бўлган босқичда шошилиш ҳолатларда биринчи тиббий ёрдам турлари:**

- Фавқулодда ҳолатларда жабрланганларга ёрдам кўрстайиш ва уларни эвакуация қилиш
- Боланинг ҳолатини бирламчи баҳолаш



- Нолойиқ муносабатда бўлишга шубҳа қилинганда боланинг ҳолатини баҳолаш
- Фавқулодда ҳолатларда ёрдам кўрсатиш, саралаш ва эвакуация қилиш
- Асосий даражадаги юрак-ўпка реанимацияси
- Автоматик ташқи дефибрилляция
- Бошини тўғри тутиш билан нафас йўлларини очиш
- Тиклантирувчи ҳолат
- Орофаренгиал ва назофаренгиал ҳаво ўтказувчиларни киритиш
- Тўлиқ ва ёрдамчи режимда Амбу қопчаси билан вентиляция қилиш
- Оғиз бўшлиғини тозалаш
- Кислород инсуфляцияси (юқори оқим, бир томонлама йўналтирилган клапанли ниқоб билан, назал канюля билан)
- Болаларга умумий шокка қарши терапия олиб бориш
- Совқотишда (гипотермия) болани иситиш
- Дорилар ва суюқликларни томир ичига, инфузия ва болос юбориш
- Юқори нафас йўлларида ёт жисмни олиб ташлаш (бир ёшгача ва бир ёшдан катта болаларга)
- Болаларда ташқи массив қон кетишларни тўхтатиш
- Чўкиш ва осилганда болаларга биринчи ёрдам кўрсатиш
- Транспорт шиналари билан иммобилизация қилиш
- Спинал тахтачада иммобилизация қилиш
- Очиқ пневмотораксда окклюзион боғлам қўйиш
- Қорин соҳасидаги жароҳатга абдоминал боғлам қўйиш
- Жисм кирган жароҳатга фиксацияловчи боғлам қўйиш
- Бўйин ва қўлтиқ ости соҳасидаги жароҳатларга герметик боғлам қўйиш
- Очиқ яраларга боғлам қўйиш
- Ампутация қилинган ярага боғлам қўйиш, Повязка на ампутированную рану, ампутация қилинган фрагментни сақлаш ва бемор билан бирга шифохонага транспортировка қилиш
- Зўриққан (клапанли) пневмотораксда плеврал бўшлиқ пункцияси
- Оғрикни баҳолаш ва жароҳатланишда уни бошқариш

Умумий педиатри мустақил равишда бажара олиши лозим:


1. Болаларнинг кўрувини ўтказиш ва физикал текширув маълумотларини баҳолаш
2. Лаборатор, инструментал текширув режасини тузиш
3. Қон, пешоб, балғам, ошқозон шарбати, дуоденал текширув , копрограмма, ликвор, электрофизиологик ва бошқа текширув усуллари натижалари интерпретация қилиш
4. Кўп тарқалган касалликлар профилактикаси ва даволаш тамойиллари ва усулларига эга бўлиш; бемор болалар реабилитацияси.
5. Шифокор участкасида бола ривожланишининг кузатувини олиб бориш

6. Боланинг ўсиши ва ривожланишини баҳолаш (кузатув частотаси, жисмоний ва психомотор ривожланишини баҳолаш)
7. Касалликларнинг скринингида иштирок этиш
8. Иммунизацияни ўтказиш
9. Туғруқдан аввал, туғруқхонадан уйга жавоб берилганида дарҳол, бир ёшгача ҳар ойда, ҳар йилда патронаж ўтказиш ва маслаҳат бериш
10. Соғлом янги туғилган чақалоқни парваришлаш бўйича боланинг тарбиясига масъул бўлган инсонларга маслаҳат бериш
11. Боланинг тарбиясига масъул бўлган инсонларга маслаҳат бериш ва эмизиш ва озиқлантиришни назорат қилиш
12. Болани баҳолаш ва боланинг тарбиясига масъул бўлган инсонларга маслаҳат бериш, қуйидаги ҳолатлар ва муаммоларда ёрдам кўрсатиш:
  - Тишларнинг ёриб чиқиши
  - Гўдакларда ичак коликаси
  - Гўдакларда сариклик
  - Болада диарея
  - Болада қусиш
  - Болада йўтал
  - Болада ринорея (бурун битиши)
  - Болада иситмалаш
  - Болани тувакка ўтказишга ўргатиш
  - Гўдакларда уйқунинг ўзига хослиги
  - Болада кўрқув
  - Боланинг патологик одатлари
  - Болада нутқ ривожланишининг орқада қолиши
  - Катта ёшдаги болалар ва ўсмирларда бош оғриғи
  - Бола қорнида психоген оғрик
  - Болаларнинг жинсий ривожланиши ва тарбияси

Умумий педиатр шифокори қуйидаги муолажаларни мустақил тарзда бажара олиши лозим:

#### Умумий кўникмалари:

- Лотин тилида рецепт ёзиш
- Шошилинч ёрдам талонини тўлдириш
- Оператив, ҳисобот ҳужжатларини тўлдириш
- Беморларни тизимлар бўйича текшириш
- Жуда хавфли ва карантинли инфекциялар аниқланганида бирламчи эпидемиологик тадбирларни олиб бориш
- Томир ичи, мушак ораси, тери ости ва тери ичи инъекциялари
- Сийдик қопи катетеризацияси
- Болада шқозонни зондлаш ва ювиш
- Рентген суратини




- Гемограмма, биокимёвий кўрсаткичларни интерпретация қилиш
- Йўғон томчига қон олиш
- Оғиз ва бурундан олинган суртманинг экмаси
- Нажас, пешоб, қон экмаси
- Гемокультурага қон олиш
- Пешобни текшириш, унинг физик ва кимёвий хоссалари, замонавий экспресс-усуллари, пешобда оксил, қанд, ацетон ва ўт пигментларини аниқлаш усуллари; сийдик чўкмалари микроскопияси; Нечипоренко бўйича синамалар қўйиш ва клиник баҳолаш
- Ярага бирламчи хирургик ишлов бериш.
- Даволовчи парҳез ишлаб чиқиш.

Умумий педиатр шифокори беморларнинг кўруви, ташхислаш, даволаш, реабилитациясини олиб бориши лозим, зарурат бўлганида бемор болаларни қайта текширади, маслаҳат олиб боради, шифохонага ётқизади, кейин даво тавсия этади ва қуйидаги касалликларда кейинги кузатувни амалга оширади:

### **Болалар касалликлари**

#### **Янги чақалоқлик даври касалликлари ва ҳолатлари**


- Янги туғилган чақалоқларда чегаравий ҳолатлар
- Соғлом муддатидан аввал туғилган чақалоқларни парваришлаш
- Ҳомиланинг она қорнида ривожланишининг орқада қолиши
- Қусиш ва қйат қилиш синдромлари
- Тери ва киндикнинг маҳаллий бактериал инфекцияси
- Тирик туғилганлик мезонларини аниқлаш
- Ҳомиланинг гестацион ёшини аниқлаш
- Янги туғилган чақалоқнинг морфофункционал етилганлигини баҳолаш
- Уй шароитида янги туғилган чақалоқларни олиб бориш
- Лиқилдоқ ҳолатини баҳолаш
- Бош айланишидаги ўзгаришларни баҳолаш
- Киндик қолдиғи ва ўрнига ишлов бериш
- Болаларнинг ўсиш ва жисмоний ривожланиш мониторингини олиб бориш
- Болаларнинг асаб-руҳий ривожланишини баҳолаш
- Янги туғилган чақалоқларнинг кўкрак сути билан эмизиб боқилишини баҳолаш
- Кўкрак сути билан эмизиб боқиш бўйича оналарга маслаҳат бериш
- Муддатида ва муддатидан аввал туғилган болаларнинг овқатланишини ҳисоблаш
- Янги туғилган чақалоқларни сунъий овқатлантириш
- Эмизикли аёлнинг овқатланишини коррекция қилиш
- Овқатланиш муаммоси ва ёшга нисбатан кам вазни баҳолаш
- Янги туғилган чақалоқларда диспептик бузилишларни баҳолаш



- Гипотермия, гипогликемиянинг профилактикаси ва давоси
- Янги туғилган чақалоқларда нафас бузилиши белгиларини баҳолаш
- Янги туғилган чақалоқларда апноэни баҳолаш ва олиб бориш тактикаси
- Нафас йўллари тозалаш
- Крамер шкаласи бўйича билирубин даражасини баҳолаш
- Янги туғилган чақалоқларда сарикликнинг шакллари ва оғирлик даражасини баҳолаш
- Физиологик ва патологик рефлексларни баҳолаш
- Антибиотикотерапия (орал, эмпирика)
- Янги туғилган чақалоқларда рахит профилактикаси
- Лаборатор ва инструментал иекширувларни интерпретация қилиш (умумий қон, пешоб, нажас, қонда билирубин, қанд таҳлили, УТТ)
- Уй шароитида тери, киндикнинг маҳаллий бактериал инфекциясини даволаш
- Янги туғилган бемор чақалоқлар транспортировкасини ташкиллаштириш

**2. Дастлаб биринчи шифохонагача бўлган тиббий ёрдамни кўрсатиб, махсус тиббий ёрдамни талаб қилувчи ўткир ҳолатлар ёки касалликларни ташхислаш ва ўз вақтида тор мутахассислар маслаҳати ва кўрувидан ўтказишга йўлланма бериш ва/ёки стационар шароитда даволаш ва беморнинг кейинги кузатувини қўйидаги касалликларда олиб бориш:**

- Янги туғилган чақалоқлар асфиксияси, асоратлари
- Нафас бузилишлари синдроми, асоратлари
- Янги туғилган чақалоқларда сариклик
- Янги туғилган чақалоқлар гемолитик касаллиги
- Ҳомиланинг она қорнида инфекциялар билан зарарланиши
- Янги туғилган чақалоқларда сепсис
- Асаб тизимининг перинатал шикастланиши
- Туғруқ жароҳатлари
- Янги туғилган чақалоқларда пневмония
- Янги туғилган чақалоқлар геморрагик касаллиги, кеч шакли
- Янги туғилган чақалоқларда анемия
- Ривожланишнинг туғма нуқсонлари
- Тери ва киндик касаллигининг оғир шакллари
- Бола ҳаёти учун хавфли бўлган белгилар ва тўсатдан ўлим синдроми бўйича оналарга маслаҳат бериш
- Диспансер кузатув режасини тузиш ва перинатал патологияси бўлган чақалоқлар реабилитацияси



## Болаларда нафас аъзолари касалликлари

1. Қуйида келтирилган касалликларда профилактика ишлари, эрта ташхислаш, шифохонагача бўлган ёрдамни кўрсатиш, рационал даволаш, реабилитация ва диспансер кузатувини амалга ошириш:


- Оғир бўлмаган ларинготрахеит
- Юқори нафас йўларида ёт жисм аспирацияси ва уни муваффақиятли чиқариб олиш
- Бронхит (ўткир, обструктив, рецидивланувчи)
- Назорат қилинувчи бронхиал астма
- Оғир бўлмаган пневмония
- Пикфлоуметрия

2. Дастлаб биринчи шифохонагача бўлган тиббий ёрдамни кўрсатиб, махсус тиббий ёрдамни талаб қилувчи ўткир ҳолатлар ёки касалликларни ташхислаш ва ўз вақтида тор мутахассислар маслаҳати ва кўрувидан ўтказишга йўлланма бериш ва/ёки стационар шароитда даволаш ва беморнинг кейинги кузатувини қуйидаги касалликларда олиб бориш:

- Ларинготрахеит (оғир ларингостеноз билан круп синдроми)
  - Хиқилдоқнинг ангионевротик шиши
  - Эпиглоттит
  - Юқори нафас йўлларида ёт жисм аспирацияси
  - Бактериал трахеит
  - Бронхиал астма
  - Бронхиолит
  - Пневмония
  - Бронхларда ёт жисм аспирацияси
  - Пневмоторакс
  - Бронх-ўпка дисплазияси
  - Муковисцидоз (кистофиброз)
- 
- Умумий балғам тахлили
  - Балғамнинг бактериологик экмаси
  - Плеврал бўшлиқ пункцияси
  - Кўкрак қафаси рентгенографияси ва рентгеноскопияси, бронхография
  - Spiрография
  - Бронхоскопия
  - Кўкрак қафаси аъзоларининг КТ ва МСКТ
  - Аллергик синамалар

## Болаларда юрак-қон томири касалликлари

1. Дастлаб биринчи шифохонагача бўлган тиббий ёрдамни кўрсатиб, махсус тиббий ёрдамни талаб қилувчи ўткир ҳолатлар ёки



**касалликларни ташхислаш ва ўз вақтида тор мутахассислар маслаҳати ва кўрувидан ўтказишга йўлланма бериш ва/ёки стационар шароитда даволаш ва беморнинг кейинги кузатувини қуйидаги касалликларда олиб бориш:**

- Юракнинг туғма нуқсонлари
  - Миокардит
  - Перикардит
  - Инфекцион эндокардит
  - Ревматизм
  - Кавасаки касаллиги
  - Митрал клапан пролапси
  - Кардиомиопатия (гипертрофик, дилатацион, рестриктив)
  - Юрак етишмовчилиги
  - Цианотик кризлар
  - Аритмиялар (коринчалар тахикардияси, суправентрикуляр тахикардия, бўлмачалар титраши, коринчалар фибрилляцияси, WPW синдроми, брадиаритмия)
- 
- Липид спектр
  - Коагулограмма
  - Специфик биомаркерлар
  - Юклама синамалар билан ЭКГ
  - ЭКГ Холтер мониторинги
  - Доплерография билан эхокардиография
  - Кўкрак қафаси рентгенографияси
  - Компьютер томографияси, МРТ
  - Юрак ангиографияси ва катетеризацияси
  - Вактинчалик ва доимий кардиостимуляция
  - Электроимпульс терапия
  - Миокард сцинциграфияси

### **Болаларда ревматик касалликлар**

**1. Дастлаб биринчи шифохонагача бўлган тиббий ёрдамни кўрсатиб, махсус тиббий ёрдамни талаб қилувчи ўткир ҳолатлар ёки касалликларни ташхислаш ва ўз вақтида тор мутахассислар маслаҳати ва кўрувидан ўтказишга йўлланма бериш ва/ёки стационар шароитда даволаш ва беморнинг кейинги кузатувини қуйидаги касалликларда олиб бориш:**


- Ювениль ревматоид артрит
- Спондилоартропатиялар (анкилозланувчи спондилит, псориастик артрит, реактив артрит ва ичакнинг яллиғланиш касалликларида артритлар)

- Лайм касаллиги
  - Ревматизм
  - Тизимли қизил югурик
  - Дерматомиозит
  - Склеродермия
  - Бириктирувчи тўқиманинг аралаш касалликлари (склеродермия, дерматомиозит ва ТҚЮ)
  - Некротик васкулит (Кавасаки касаллиги, тугунли периартериит)
  - Саркоидоз
- Ўткир фаза кўрсаткичларини аниқлаш (С-реактив оксил, гаптоглобин, антистрептолизин, серомукоидлар)
  - Қонда ва пешобда сийдик кислотасини аниқлаш
  - Бўғимлар УТТ си
  - Бўғимлар рентгенографияси
  - Иммунологик текширувлар (РФ, LE-хужайралар, АНА, АЦЦП, HLA-B27 ва бошқалар)
  - Синовиал суюқликни текшириш билан бўғимичи пункциялари
  - Тери, синовиал қобик, мушаклар ва шикастланган ички аъзоларнинг биопсияси
  - Бўғимлар МРТ си

### **Болаларда ошқозон-ичак тракти касалликлари**

**1. Қуйида келтирилган касалликларда профилактика ишлари, эрта ташхислаш, шифохонагача бўлган ёрдамни кўрсатиш, рационал даволаш, реабилитация ва диспансер кузатувини амалга ошириш:**

- Дегидратациясиз ёки дегидратациянинг 1 даражаси билан диарея
- Ошқозон-ичак трактининг функционал касалликлари
- Нутритив статусни баҳолаш:
- **а. Бўй ва вазн**
  - Ёшга нисбатан вазн.
  - Ёшга нисбатан бўйи.
  - Бўйга нисбатан вазн
- **б. Гидратацияни баҳолаш**
  - Қоринда тери бурмасининг қалинлиги, тери эластиклиги, шиллик қапватларнинг намлик даражаси, кўз олмаси тонуси, тери бурмасининг текисланиш вақти.
- **в. Қон таҳлиллари**
- Умумий қон таҳлили
- Умумий нажас таҳлили



- Нажас рН
- Яширин қон кетишга нажас тахлили
- Нажасда лейкоцитлар (жумладан, таёқчасимон ядроли нейтрофиллар)

**2. Дастлаб биринчи шифохонагача бўлган тиббий ёрдамни кўрсатиб, махсус тиббий ёрдамни талаб қилувчи ўткир ҳолатлар ёки касалликларни ташхислаш ва ўз вақтида тор мутахассислар маслаҳати ва кўрувидан ўтказишга йўлланма бериш ва/ёки стационар шароитда даволаш ва беморнинг кейинги кузатувини қуйидаги касалликларда олиб бориш:**

- Дегидратациянинг 2 даражаси ёки ноаниқ этиологияли диарея (ўткир ва сурункали)
  - Таъсирланган ичак синдроми
  - Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси
  - Муковисцидоз (кистофиброз)
  - Швахман синдроми (ошқозон ости безининг туғма гипоплазияси)
  - Целиакия (глутенли энтеропатия)
  - Дисахаридаза танқислиги (лактазанинг бирламчи танқислиги), (лактозани кўтара олмаслик), дефицит сахараза-изомальтаза танқислиги)
  - Овқат аллергияси
  - Соя оқсилга аллергия
  - Овқат аллергиясининг бошқа турлари
  - Носпецифик яралли колит
  - Крон касаллиги
  - Гиршспрунг касаллиги (ичакнинг туғма аганглиози, туғма мегаколон)
  - Сурункали гепатитлар
  - Жигар етишмовчилиги
  - Ошқозон-қизилўнгач рефлюкси
  - Вильсон касаллиги
  - Ўткир панкреатит
- 
- Нажасининг бактериологик экмаси
  - Яширин қон кетишга нажас тахлили
  - Нажасни дисбактериозга текшириш
  - Гепатит маркерларини аниқлаш
  - Қорин бўшлиғи аъзолари УТТ си
  - ЭГДФС
  - Эластография (фиброскан)
  - Ошқозон-ичак трактининг рентгенологик текшируви
  - Колоноскопия
  - Ирригография

- Ошқозон биопсияси
- КТ ва МРТ

## **Болаларда буйрак ва сийдик чиқариш йўллари касалликлари**

**1. Қуйида келтирилган касалликларда профилактика ишлари, эрта ташхислаш, шифохонагача бўлган ёрдамни кўрсатиш, рационал даволаш, реабилитация ва диспансер кузатувини амалга ошириш:**

- Сийдик чиқариш йўллари инфекцияси
  - Пешобда туз кристаллари
  - Ўткир ва сурункали пиелонефрит (асоратланмаган)
  - Циститлар
  - Уретритлар
  - Фимоз
  - Парафимоз
  - Баланит, баланопостит
- Пешобнинг умумий тахлили ва экмаси
  - Периферик қон суртмаси текшируви
  - АҚБ ни ўлчаш

**2. Дастлаб биринчи шифохонагача бўлган тиббий ёрдамни кўрсатиб, махсус тиббий ёрдамни талаб қилувчи ўткир ҳолатлар ёки касалликларни ташхислаш ва ўз вақтида тор мутахассислар маслаҳати ва кўрувидан ўтказишга йўлланма бериш ва/ёки стационар шароитда даволаш ва беморнинг кейинги кузатувини қуйидаги касалликларда олиб бориш:**

- Протеинурия
- Нефротик синдром
- Гематурия (клиник кўринишлари билан симптомсиз микрогематурия, микрогематурия, макрогематурия)
- Гломерулонефрит (ўткир, тез суръатда зўрайиб борувчи, сурункалий)
- Гемолитик-уремик синдром
- Артериал гипертония (эссенциал артериал гипертония (гипертоник касаллик), буйрак артерияларининг тромбози ёки стенози, буйракларнинг туғма аномалиялари, аорта коарктацияси, буйрак паренхимасининг шикастланиши)
- Буйрак канал ацидози (дистал канал ацидози (I тур), проксимал канал ацидози (II тури), буйрак канал ацидози IV турии)

- Буйракнинг ўткир шикастланиши (преренал, ренал (паренхиматоз), постренал)
  - Сурункали буйрак етишмовчилиги
  - Урат нефропатияси
  - Буйрак томирлари тромбози
  - Вильмс ўсмами (нефробластома)
  - Сийдик – тош касаллиги
  - Ўткир ва сурункали обструктив пиелонефрит (асоратланган)
  - Буйраклар ривожланишининг нуқсонлари (поликистоз, гидронефроз, уретерогидронефроз, мультикистоз, удвоения ва б.)
  - Сийдик қопи экстрофияси
  - Уретра ривожланишининг нуқсонлари (гипоспадия, эписпадия)
  - Мояклар қобиқлари ва томирларининг касалликлари (гидроцеле, варикоцеле)
  - Крипторхизм
  - Мояк ва уруғ каналининг буралиб қолиши
  - Ёрғоқ аъзолари жароҳати
  - Орхоэпидидимит
- Пешобнинг бактериологик экмаси ва антибиотикограмма
  - Рентгенологик усуллари (обзор ва экскретор урография, цистоуретрография)
  - Буйраклар ва кичик тос аъзолари УТТ си
  - Буйраклар биопсияси
  - КТ ва ЯМР

### **Болаларда қон ва қон ҳужайралари ҳосил бўлиши аъзолари касалликлари**


**1. Қуйида келтирилган касалликларда профилактика ишлари, эрта ташхислаш, шифохонагача бўлган ёрдамни кўрсатиш, рационал даволаш, реабилитация ва диспансер кузатувини амалга ошириш:**

- Микроцитар гипохром анемия (темир танқислиги камқонлиги)
- Умумий қон тахлили
- Периферик қон суртмаси ва ретикулоцитларни ҳисоблаш

**2. Дастлаб биринчи шифохонагача бўлган тиббий ёрдамни кўрсатиб, махсус тиббий ёрдамни талаб қилувчи ўткир ҳолатлар ёки**

**касалликларни ташхислаш ва ўз вақтида тор мутахассислар маслаҳати ва кўрувидан ўтказишга йўлланма бериш ва/ёки стационар шароитда даволаш ва беморнинг кейинги кузатувини қуйидаги касалликларда олиб бориш:**

- Микроцитар гипохром анемиялар (кўрғошин билан заҳарланишда анемия, талассемии, гемоглобинопатия E, сидеробласт анемиялар)
- Макроцитар анемиялар (мегалобласт анемия, алохида макроцитар анемия (мегалобластозсиз))
- Нормоцитар анемиялар (кон кетиши оқибатида, гемолитик анемиялар (наслий микросфероцитоз, ўроксимон хужайрали анемия, гемоглобинопатия C, ферментопатиялар (Г-6-ФД дефицити, пируваткиназа танқислиги), аутоиммун гемолитик анемия (инфекция, коллагенозлар (ТҚЮ), хавфли ўсмалар (лимфомалар) ва дори воситаларини қўллаш (пенициллинлар)
- Эритроцитоз
- Апластик анемия, ёки панцитопения
- Фанкони анемияси
- эритроидли ўсиш аплазияси (парциал кизил хужайрали аплазия)
- Даймонд—Блекфан анемияси
- Тромбоцитопения (амегакариоцитар тромбоцитопения, билан суягининг йўқлиги билан тромбоцитопения гиперспленизм, дорили тромбоцитопения, аутоиммун тромбоцитопения (аутоиммун тромбоцитопеник пурпура), янги туғилган чақалоқлар тромбоцитопенияси)
- Тромбоцитопатиялар
- Лейкозлар (ўткир лимфобласт лейкоз, ўткир нолимфобластли лейкоз)
- Цитопениялар (нейробластома, лимфома, саркома ва гистицитоз X да суяк кўмигининг метастатик шикастланиши, суяк кўмигида турли моддаларнинг тўпланиши билан моддалар алмашинуви касаллиги (Гоше касаллиги, остеопетроз), суяк кўмигини шикастловчи инфекциялар (туғма токсоплазмоз, янги туғилган чақалоқлар герпеси, туғма цитомегаловирусли инфекция, қизилчанинг фетал синдроми; туберкулез, ОИТС; Эпштейн—Барр вируси, цитомегаловирус, замбуруғлар билан чақирилган инфекциялар))
- Гемофилия А (VIII *фактор танқислиги*)
- Гемофилия В (Кристмас касаллиги, IX *фактор танқислиги*)
- фон Виллебранд касаллиги
- К витамини танқислиги
- Жигар касалликларида коагулопатиялар



- ДВС-синдром
- Бирламчи тромбофилиялар
- Иккиламчи, ёки орттирилган тромбофилиялар
- Нейтропения
- Нарушение функции нейтрофилов
- Нейтрофилез
- Рентгенологик текширувлар
- Суяк кўмиги пункцияси ва текшируви
- Лимфа тугунлари биопсияси
- Коагулограмма
- Қон гурухи мослигини аниқлаш
- Қон ва қон ўрнини босувчиларни қуйиш
- Плазмофорез
- Суяк кўмиги трансплантацияси
- Гемопозтик устун ҳужайраларининг трансплантацияси
- Молекуляр –генетик текширувлар
- КТ, МРТ, МСКТ

### **Болаларда эдокрин тизими касалликлари ва моддалар алмашинувининг бузилиши**

#### **1. Болаларда эдокрин тизими касалликлари ва моддалар алмашинувининг бузилишида қўлланиладиган билимлар ва манипуляциялар**


- Вазни, бўйи, тананинг юқори ва пастки қисмларининг узунлиги, қўлларнинг ёзилишини баҳолаш.
- Жинсий белгиларни баҳолаш

#### **2. Дастлаб биринчи шифохонагача бўлган тиббий ёрдамни кўрсатиб, махсус тиббий ёрдамни талаб қилувчи ўтқир ҳолатлар ёки касалликларни ташхислаш ва ўз вақтида тор мутахассислар маслаҳати ва кўрувидан ўтказишга йўлланма бериш ва/ёки стационар шароитда даволаш ва беморнинг кейинги кузатувини қуйидаги касалликларда олиб бориш:**

- Қандли диабет
- Паст бўйлик (оилавий паст бўйлик ва конституционал ўсишдан орқада қолиш)
- Баландбўйлик
- Семизлик
- Жинсий дифференцировканинг бузилиши (гонадалар дифференцировкасининг бузилиши, аёллар псевдогермафродитизми (аёллар кариотипидаги вирилизация), эркаклар псевдогермафродитизми (эркаклар кариотипида тўлиқ бўлмаган маскулинизация))

